

## Исломда «Инсон аъзосини асл ҳолатдан ўзгартириш мумкин эмас» дейилган

21:18 / 27.04.2016 4679

Исломда «Инсон аъзосини асл ҳолатдан ўзгартириш мумкин эмас» дейилган. Масалан: қош териш. Лекин сочни хина билан бўяш мумкинми? Бунда ҳам соч асл рангидан бошқа рангга кирадику?! Шунингдек бугунги кунда урф бўлган рангли кўз линзаларини тақишга ислом уламолари қандай қарайдилар?

Албатта инсон аъзосини ўзгартириш маъноси демак Аллоҳ ҳалқ қилган нарсани бошқачага айлантиришга уруниш бўлганлигидан ман қилинган. Масалан: қош териш айтилаяпти. Лекин хина қўйиш сочга ёкт соқолга эркаклар хина суртишлари, бу Аллоҳ яратган нарсани ўзгартириш эмас. Балки соч-соқолларни парваришлаш, уларни ҳолатини яхшилаш учун ҳизмат қиладиган, ҳушбўй қиладиган нарса сифатида қабул қилинган. Буни Пайғамбаримиз (С.А.В.) ўзлари қилганлар, саҳобалар қилган, ана буни ундай гуноҳ иш деб бўлмайди. Балки кези келаганида суннатга амал қилиш дейиш бўлади. Бугунги кунда урф бўлиб рангли кўз линзасини кўзига ёпиштириб юришга қандай қаралади деганда, буни нима фойдаси бор. Кўзни бушунги кунда зарарини демак кўзга кўрсатиб қўймаса ҳам бора-бора буни зарар қилиш эҳтимоли бор. Ундан кейин буни қандайдир нима мақсадда қилинаяпти уни, ўша кўзига рангли линза қўйганлар кўчадаги номаҳрамларга чиройли кўриниш учун қилишяптими, мана бу тарафлари ҳаммаси бу нарсани жоиз эмаслигига, беҳуда уруниш эканлигига далил бўлади, бундан узоқ бўлиш керак бўлади.